

ФОНЕМА НАЗАРИЯСИНИНГ ПРАГА ФОНОЛОГИЯ МАКТАБИ ТАЛҚИНИДА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Раджабов Насир Насимович

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети

Тилларни ўрганиш кафедраси доценти,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация: Мақола фонема назариясининг Прага фонология мактаби талқинида ўзига хос жиҳатлари таҳлиliga бағишланган. Унда мазкур назариянинг асосий ғоялари сифатида илгари сурилган фонологияни фонетикадан ажратиш ғояси, фонологик оппозициялар ҳамда архифонема назарияси каби ғояларнинг ўзига хослиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *нутқ товуши, фонема, инвариант, вариант, вариация, позицион кўриниш.*

Фонема ғоясининг янада ривожланишида Прага фонология мактабининг ўрни бекиёсдир. 1926-1952 йиллар орасида фаолият олиб борган¹ бу мактаб бир қатор чех ва рус тилшунос олимларини Прага тилшунослик тугараги номи остида бирлаштирган эди. Бу мактаб вакиллари орасида В. Матезиус, Й.Вахек, Б.Гавранек, В.Скаличка, Б.Тринка, Й.Коржинек, Я.Мукаржовский каби чех ва Н.С.Трубецкой, С.О.Карцевский, Р.О.Якобсон каби рус тилшунослари ўзларининг фонемага доир тадқиқотлари билан фонологияни илмий ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Айниқса, Н.С. Трубецкойнинг бу борада яратган фонологик назарияси тилшунослик тарихида муҳим аҳамият касб этди.

Н.С.Трубецкой дастлаб фонема назарияси билан Москва Давлат университетида таҳсил олаётган кезлари И.А. Бодуэн де Куртене ва Л.В. Щербанинг фонемага оид тадқиқотлари орқали танишади. Кейинчалик эса у шу икки таълимот асосида ўзининг алоҳида фонологик назариясини яратади. Н.С. Трубецкоцнинг фонема ва фонологияга оид назарияси унинг “Фонология асослари” («Основы фонологии» 1960.) асарида ўз ифодасини топган. Мазкур асарда Н.С. Трубецкой фонологиянинг бошқа фанлар билан муносабати, фонеманинг ўзига хос хусусиятлари, фонема вариантлари, фонологик оппозициялар ва уларнинг таснифи, фонологик оппозицияларнинг нейтралзацияси, архифонема, бўғин, урғу ва интонация каби прозодик воситалар тўғрисида ўзининг қимматли фикрларини баён қилган. Н.С. Трубецкоцнинг фонологик назарияси фонологик оппозициялар асосига

¹ Jamolxonov H.A. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009. 34-б.

курулган бўлиб, унда у куйидаги асосий ғояларни илгари суради: *фонологияни фонетикадан ажратилиш ғояси, фонологик оппозициялар ҳамда архифонема назарияси.*

Н.С. Трубецкойнинг фикрича, фонологияни фонетикадан фарқлаш лозим. Чунки фонетика аниқ физик ҳодисалар бўлган нутқ товушларини, фонология эса мавҳум тушунча бўлган фонемаларни, яъни тил товушларини тадқиқ қилади. Бу борада уларнинг тадқиқот методлари ҳам ҳар хил бўлиб, фонетика табиий фанлар методларидан, фонология эса лингвистик методлардан фойдаланади. У нутқ товушлари таълимотини фонетика, тил товушлари таълимотини фонология деб атайдиган².

Н.С. Трубецкойнинг фонологик назариясининг асосини фонологик оппозициялар ташкил қилади. Унга кўра товуш оппозициялари фонологик фарқловчи ёки фонологик фарқламовчи хусусиятларига эга бўлади. Маълум бир тилдаги товуш оппозициялари сўзларнинг семантик маъносини ўзгартира олса, бундай оппозициялар фонологик жиҳатдан фарқловчи оппозициялар ҳисобланади. Аксинча, товуш оппозициялари сўзларнинг луғавий маъносини фарқлай олмаса, бундай товуш оппозициялари фонологик жиҳатдан фарқламовчи оппозициялар саналади³. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларида /e/ - /i/ оппозицияси ҳар икки тилда ҳам сўзларнинг семантик маъноларини ўзгартиришга хизмат қилиши туфайли фонологик фарқловчи оппозиция ҳисобланади: инглизча *beg* /beg/ - *big* /big/, ўзбекча *бер* /ber/ - *бир* /bir/. Мазкур тиллардаги ундошларнинг қаттиқ - юмшоқ оппозициялари шунингдек, /p/, /t/, /k/ ундошларининг аспирацияли - аспирациясиз оппозициялари сўзларнинг луғавий маъносига таъсир қилмаслиги сабабли бу оппозициялар фонологик фарқламовчи оппозицияларга мисол бўлади. Фонологик оппозициялар камида икки аъзодан иборат бўлиб, бу аъзоларнинг ҳар бири *фонологик бирлик* деб аталади. Ўзидан бошқа бирликларга бўлинмайдиган фонологик бирликлар эса *фонемалар* деб аталади⁴. Тилнинг товуш системасини ташкил қиладиган ҳар бир нутқ товуши турли хил артикуляцион-акустик хусусиятларга эга бўлади. Бу артикуляцион-акустик хусусиятлар сўзнинг семантик маъносини фарқлаши ёки фарқламаслигига кўра фонологик жиҳатдан аҳамиятли ёки фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида унлиларнинг лаб белгиси ҳамда тилнинг кўтарилиш белгиси сўзнинг луғавий маъносини фарқлашга хизмат қилади ва шунинг учун фонологик аҳамиятга эга бўлади. Унлилардаги тилнинг қатор белгиси эса ўзбек тилида сўзнинг семантик маъносини фарқлашга хизмат қилмаслиги туфайли фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан фонема фонологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган артикуляцион-

² Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 11.

³ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 37.

⁴ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 39-41.

акустик хусусиятларнинг мажмуини ташкил қилади. Фонема нутқда артикуляцион-акустик жиҳатдан у ёки бу даражада фарқ қиладиган турли товушларда намоён бўлади. Бир фонема доирасида юзага келадиган турли товушлар шу фонеманинг вариантлари дейилади⁵.

Н.С. Трубецкой фонемани фонема вариантларидан шунингдек, мустақил бир фонемани фонема бирикмаларидан фарқлашга доир бир нечта қоидаларни таклиф қилган⁶. Уларга кўра фонема ва фонема вариантлари асосан қуйидагича фарқланади:

– Агар маълум бир тилдаги икки товуш бир хил позицияда учраса ва уларни сўзнинг семантик маъносига таъсир қилмаган ҳолда бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлса, бундай товушлар бир фонеманинг факультатив вариантлари ҳисобланади;

– Агар икки товуш бир хил позицияда учраса ва улардан бирининг ўрнида иккинчисининг қўлланилиши сўзнинг семантик маъносини ўзгаришига олиб келса, бундай товушлар иккита мустақил фонеманинг вакиллари ҳисобланади;

– Агар акустик-артикуляцион жиҳатдан ўзаро яқин бўлган товушлар (а', а'', а''') ҳеч қачон бир хил позицияда учрамаса, улар бир фонеманинг комбинатор вариантлари ҳисобланади;

Н.С. Трубецкойнинг мустақил бир фонемани фонема бирикмаларидан фарқлашга доир таклиф этган қоидалари ҳам диққатга сазовор бўлиб, улардан энг аҳамиятлилари қуйидагилардир:

– Маълум бир тилда таркибига кўра икки бўғинга ажралмайдиган товуш бирикмалари битта фонема ҳисобланади.

– Бир артикуляция билан ифодаланадиган ва талаффуз давомида артикуляциясида аста-секинлик билан сусайиш ёки қисқариш рўй берадиган товуш гуруҳларини битта фонема деб ҳисоблаш мумкин;

– Агар маълум бир тилдаги товуш гуруҳининг чўзиқлик даражаси шу тилдаги бошқа фонемаларнинг чўзиқлик даражасидан ортиқ бўлмаса, бундай товуш гуруҳини битта фонема сифатида қабул қилиш лозим бўлади. Мазкур қарама-қарши тарзда воқеланадиган товуш гуруҳлари фонема бирикмаларини ташкил қилади.

Н.С. Трубецкой ўзининг фонологик назариясида фонологик оппозицияларнинг мантиқий таснифини ишлаб чиққан⁷. Унга мувофиқ фонологик оппозициялар уч асосга кўра тасниф қилинади:

1. Оппозицияларнинг умуман оппозициялар системасига нисбатан таснифи. Унга кўра фонологик оппозицияларнинг *бир ўлчовли, кўп ўлчовли, пропорционал ва яккаланган* турлари фарқланади. Маълум бир фонологик

⁵ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 44.

⁶ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 51-68.

⁷ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. Стр. 71-89.

системадаги оппозиция аъзоларига хос бўлган белгилар йиғиндиси фақат шу оппозиция аъзоларигагина тегишли бўлиб, шу системадаги бошқа фонемаларда учрамаса, бундай оппозиция *бир ўлчовли оппозиция* дейилади. Оппозиция аъзоларига хос бўлган белгилар йиғиндиси шу системадаги бошқа фонемаларга ҳам тегишли бўлган оппозиция *кўп ўлчовли оппозиция* ҳисобланади. Ўзининг аъзолари ўртасидаги алоқа шу системадаги бошқа оппозиция аъзолари ўртасидаги алоқага айнан ўхшаш оппозиция *пропорционал оппозиция* дейилади. Маълум бир оппозиция аъзолари ўртасидаги алоқа шу системадаги бошқа оппозиция аъзолари ўртасида такрорланмаса, бундай оппозиция *яккаланган оппозиция* деб аталади.

2. Оппозицияларнинг оппозиция аъзоларига нисбатан таснифи. Унга кўра фонологик оппозициялар приватив, поғонали (градуал) ва эквиволент турларга ажратилади. Оппозиция аъзоларининг бирида бор белги иккинчисида бўлмаса, бу оппозиция *приватив оппозиция* ҳисобланади. Ўзининг аъзолари ўртасига яна бошқа фонемаларни қўйиш мумкин бўлган оппозиция поғонали (градуал) оппозиция дейилади. Мантикий жиҳатдан аъзолари тенг бўлган оппозиция *эквиволент (тенг ҳуқуқли) оппозиция* деб аталади.

3. Оппозицияларнинг маъно фарқлаш кучи ва ҳар хил ҳолатдаги (позициядаги) хизматига нисбатан таснифи. Унга кўра фонологик оппозицияларнинг *доимий* ва *нейтрализация қилинувчи* турлари фарқланади. Ҳар қандай фонетик контекстда ҳам аъзолари ўртасидаги фарқланиш белгилари сақланиб қолиндиган оппозиция *доимий оппозиция* дейилади. Аксинча, бирон бир фонетик контекстда аъзолари ўртасидаги фарқланиш белгилари йўқоладиган оппозиция *нейтрализация қилинувчи оппозиция* деб аталади. Оппозиция аъзолари ўртасидаги фарқланиш белгиларининг йўқолиш ҳодисаси *нейтрализация* деб аталади. Фарқланиш белгиларининг маълум бир фонетик контекстда нейтрализацияга учраши натижасида оппозиция аъзоларининг ҳар иккиси ҳам бир хил белгига (фарқланиш белгисига) эга бўлиб қолади. Масалан, ўзбек тилида /b-/p/, /d-/t/ каби жарангли-жарангсиз оппозициялари сўз охирида нейтрализацияга учрайди: b/p=**p**, d/t=**t**. Бу ҳолатда фарқланиш белгиларининг йўқолиши натижасида мазкур оппозицияларнинг ҳар икки аъзоси ўзаро ўхшаш бўлиб қолади. Н.С. Трубецкойнинг мазкур назариясига кўра нейтрализация натижасида ҳосил бўлган бирлик *архифонема* деб аталади⁸. Архифонема икки фонема учун фарқланиш белгилари умумий бўлган бирлик сифатида намоён бўлади. Мазкур назарияга мувофиқ оппозиция аъзоларидан бири нейтрализация ҳолатида архифонема вакили бўлади. Масалан, /b-/p/ жарангли-жарангсиз оппозициясининг сўз охирида нейтрализацияга учраши натижасида мазкур оппозициянинг аъзоси /p/ архифонема вакили сифатида намоён бўлади. Бунда

⁸ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. С. 84.

архифонема вакили /р/ жарангли ҳам эмас, жарангсиз ҳам эмас, яъни жарангли-жарангсиз оппозицияси (/b/-/p/) аъзоларининг ўртасидаги товуш ҳисобланади. Н. С. Трубецкойнинг кўрсатишича, фақат бир ўлчовли оппозициялар нейтрализацияга учрайди⁹.

Демак, Прага фонология мактаби назариясида фонема ва унинг кўринишларини фарқлаш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Унга кўра икки товуш бир хил позицияда учраса ва улардан бирининг ўрнида иккинчисининг қўлланилиши сўзнинг семантик маъносини ўзгаришига олиб келса, бундай товушлар иккита мустақил фонеманинг вакиллари ҳисобланади. Бироқ, маълум бир тилдаги икки товуш бир хил позицияда учраса ва уларни сўзнинг семантик маъносига таъсир қилмаган ҳолда бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлса, бундай товушлар бир фонеманинг факультатив вариантлари; артикуляцион-акустик жиҳатдан ўзаро яқин бўлишига қарамаздан (а', а'', а''') ҳеч қачон бир хил позицияда учрамайдиган товушлар эса бир фонеманинг комбинатор вариантлари саналади.

Адабиётлар:

1. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Т.: Фан, 2009. – 222 б.
2. Трубецкой Н.С. Основы фонологии. 2-го изд. – М.: Аспект Пресс, 2000. – 352 с.
3. Egamberdieva G. M. Funkcii epitetov v «Lesnoj kapeli» MM Prishvina. XIV VINOGRADOVSKIE СHTENIYA (Tashkent, 16 maya 2018 goda). Sbornik nauchnyh trudov Mezhdunarodnoj nauchno-prakticheskoy konferencii.– Ekaterinburg: Ural'skij gosudarstvennyj ekonomicheskij universitet. 2018.–S. 101-104 //XVI Виноградовские чтения.-Екатеринбург-Ташкент. – 2020. – С. 135-138.
4. Умарова Ф. З. О ВНЕДРЕНИИ ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ПОДХОДА К ОБУЧЕНИЮ В СИСТЕМЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ //Образование через всю жизнь: Непрерывное образование для устойчивого развития: тр. междунар. сотрудничества.–Т. 7/сост. НА Лобанов; под науч. ред. НА Лобанова и ВН Скворцова. Ленингр. гос. ун-т им. АС Пушкина, НИИ соц.-экон. и пед. пробл. непрерыв. образования.–СПб.: ЛГУ им. АС Пушкина, 2009.–512 с. – 2009. – С. 375.
5. Дарвишова, Г. К., & МАҲОРАТ, Ш. Б. А. Б. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-maorat> (дата обращения: 10.10. 2023).

⁹ Трубецкой Н.С. Основы фонологии. – Москва: Аспект пресс, 1960. С. 84.

6. Широнова, Н. Д. (2010). Предметность и качество: от синкретности к дискретности. Филологические науки. Вопросы теории и практики, (2), 198-201.
7. Latipov, O. J. (1997). Analysis of the semantic structure of the thematic spaces of "domestic animals" in different languages (On the material of Russian, Uzbek and Tajik languages): Author. dis. kand. filol. science. Т., 1997.-28 p.
8. Эркаев, Э. Т. (2019). Особенности метода переводов при обучения иностранным языкам. In Методика преподавания иностранных языков и РКИ: традиции и инновации (pp. 414-420).
9. Shirinova, N. D. (2022). Shirinova ND GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATON OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES.
10. Ikanova, L. S. (2019). The impact of materials development, critical pedagogy and lgbt's issue on the language planning and policy. Вестник педагогики: наука и практика, (48), 68-70.